O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV №

Kuch — adolatda

# Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan ✻ 2002 yil 12 iyul ✻ juma ✻ № 27 (366) ✻ sotuvda erkin narxda

**● Бугун жамиятимиз олдида турган бу улуғвор ва мураккаб вазифаларни ҳал қилиш энг аввало таълим-тарбия, маърифат масаласига бориб тақалади. Бу масалага кенг жамоатчилик диққатини жалб этиш керак. Матбуот орқали, телевидение орқали одамларда маърифатпарварлик ғояларини тарбиялаш, мактаб-маориф тармоқларига ҳомийлик, саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу хусусиятларни кучайтириш зарур.**

**Ислом КАРИМОВ.**

## ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

***Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат мажмуининг жорий йил олти ойлик иш фаолияти якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, қўмита, компания, уюшма ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.***

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, мазкур мажмуа раҳбари Н. Юсупов бошқарган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида изчиллик билан амалга оширилаётган аграр ислоҳотлар ўзини яққол самарасини бераётгани таъкидланди. Ўтган олти ой давомида агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташкилотларда туб иқтисодий барқарорликка эришилди.

Барча тоифадаги хўжаликларда ялпи маҳсулот ҳажми қиёсий нархларда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,5 фоиз ўсди. Жумладан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш — 1,4 фоиз, халқ истеъмол товарлари — 10,9 фоиз ортди. Чорва маҳсулотлари етиштириш сезиларли даражада кўпайди. Мол ва парранда гўшти, сут, тухум, шунингдек, жун тайёрлаш топшириқлари ортиғи билан уддаланди. Ўтган йилга нисбатан 2 минг 577 тонна пилла кўп ишлаб чиқарилди. Бошоқли дон экинларидан ҳар йилгидан ҳам яхшироқ ҳосил етиштирилди.

Шу билан бирга, қишлоқда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Айрим вазирлик, идоралар, вилоятлар ҳокимликлари суғориладиган ердан, сув ресурсларидан ва бошқа иқтисодий ишлаб чиқариш имкониятлари, мавжуд ишчи кучи, техника ва илмий салоҳиятдан етарлича фойдалана олмаяпти. Қишлоқ хўжалик техникасини ишга тайёрлаш, айниқса, ҳайдов тракторлари ва пахта териш машиналарини таъмирлаш ишлари суст амалга оширилмоқда. Бу эса ғалладан бўшаган ерларни пешма-пеш шудгорлаш, ўғитлаш, такрорий экинлар экишга салбий таъсир этмоқда.

Мажлисда аграр соҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада жадаллаштириш, минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб берилишини қатъий назорат остига олиш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш юзасидан тузилган шартномалар бажарилиши мониторингини кучайтириш, сувдан фойдаланувчилар уюшмасини тузиш, шунингдек, қўшма корхоналар ташкил этиш, инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш, акцияларни сотиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**(ЎзА).**



**Тўрақўрғон туманидаги «Олтин водий» ширкат хўжалиги вилоятдаги донгдор жамоалардан бири. Бу ерда деҳқончиликда илғор агротехника усуллари кенг қўлланилаётганлиги туфайли барча соҳаларда йил сайин юксалиш кўзга ташланмоқда.**

**Хусусан, жорий йилда бу ерда 25 тонна пилла етиштирилди. 200 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 61 центнердан дон олинди. Ғалладан олинган соф фойда 430 миллион сўмни ташкил этди. Содиқжон Темиров, Абдумўмин Ғоффоров бошлиқ фермерлар ҳар гектар ердан 81 центнердан дон ҳосили олишди.**

**Ғалладан бўшаган 40 гектар ерга такрорий пахта экилди. 433 гектар ерга маккажўхори дон учун экилди. Миришкорлар гектаридан 40 центнердан дон етиштиришни мўлжаллашмоқда.**

**Хўжаликда 510 гектар ерга пахта экилган бўлиб, режадаги 36,7 центнер ўрнига 45 центнер пахта етиштириш кўзда тутилган. Ҳозир ҳар туп ғўзада 2-4 тадан кўсаклар бор.**

**Суратда: Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Убайдулла АБДУЛЛАЕВ далада.**

**Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.**

## РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

***Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган республика «Маънавият ва маърифат» кенгашининг навбатдаги мажлисида маданият, таълим-тарбия соҳаси ходимлари, ижодкор зиёлилар, ноширлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди. Мажлисда маънавият ва маърифат ташкилотлари ҳамда матбуот, радио-телевидениенинг жамиятимиз ҳаётини эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичидаги ўрни ва роли билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.***

Мажлисни Бош вазир ўринбосари, мазкур кенгаш раиси Ҳ. Кароматов бошқарди.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султоновнинг жамият ҳаётини эркинлаштиришнинг янги босқичида маънавият ва маърифат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли тўғрисидаги маърузасини тингладилар. Маърузада мамлакатимиз Президенти ўзининг кейинги пайтдаги қатор чиқишларида, айниқса, маънавият ва маърифат намояндалари, журналистлар билан бўлган учрашувларда бу масалалар бўйича белгилаб берган устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаб ўтилдики, одамларни бугун дунёда рўй бераётган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлардан хабардор қилиш, ҳозирги куннинг долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш, уларнинг ён-атрофимизда бўлаётган воқеалардан тўғри хулосалар чиқариши учун кўмаклашиш маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ходимларининг энг муҳим вазифаси, профессионал бурчи ҳисобланади.

Лекин, афсуски, бугунги кунда бу борадаги ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Хусусан, матбуотда, радио-телевидениеда бирёқлама ва саёз фикрлар, баландпарвоз гаплар устунлик қилмоқда, аксарият журналист ва шарҳловчилар фаолиятида профессионал маҳорат, билим ва журъат етишмайди.

Маълумки, 2001 йил 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларида содир этилган мудҳиш террорчилик ҳужумларидан кейин жаҳондаги сиёсий вазият кескин ўзгара бошлади. Табиийки, бу жараёнлар бизнинг минтақамизга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бироқ бизнинг матбуотимиз саҳифаларида, радио-телевидение тўлқинларида халқаро майдондаги ана шу жараёнларни теран таҳлил ва талқин қилиш борасида ҳам оқсоқлик сезилмоқда.

Шунингдек, мажлис қатнашчилари томонидан жамиятимиз ҳаётида, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида рўй бераётган улкан ўзгаришларни кино ва театр санъатида, рангтасвир асарларида, бадиий адабиётда тўлақонли акс эттириш, бу ютуқларнинг бунёдкори бўлган замонавий қаҳрамон образини яратиш барча ижодкорларнинг муҳим вазифаси бўлиб қолаётгани яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Айниқса, сўз эркинлиги тамойили ҳаётга кенг жорий этилаётган ҳозирги шароит ҳар бир ижодкордан, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларидан ижтимоий фаолликни, профессионал маҳорат, журъат ва қатъиятни талаб қилади, бинобарин, матбуотда айтилаётган ҳар бир фикр чуқур асосланган бўлиши зарур.

Бу масалада журналистларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари қанчалик катта бўлса, масъулият ва мажбурияти ҳам шунчалик юксак бўлмоғи лозим.

**(ЎзА).**

## КОЛЛЕЖГА ИНВЕСТОР КЕРАКМИ?

*Таълим ислоҳоти*

***ёки бозор иқтисодиёти йўналишида янги кадрлар тайёрлашда хориж билан ҳамкорлик истиқболлари хусусида***

***Мамлакатимизда таълимни ривожлантиришга дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ёндошилаётгани эътиборга лойиқдир. Хўш, халқ хўжалиги учун янги кадрлар тайёрлашда инвесторларнинг иштироки қандай бўлмоқда? Таълимдаги сифат ўзгаришлари-чи?***

***Мухбиримиз Самарқанд вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Муртазо Абдураҳмоновга шу хусусда бир неча саволлар билан мурожаат қилди.***

**— Муртазо Абдураҳмонович, сизнинг бошқармангизни таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг қайноқ нуқтасига қиёслаш мумкин. Ғарб андозалари асосида жиҳозлантирилган замонавий коллежлар, академик лицейлар аллақачон ёшлар фахрига айланган. Айтинг-чи, шундай ўқув муассасаларининг ичкарисида нима гап? Таълим жараёнида қандай ўзгаришлар юзага келди?**

— Ичкарида ҳавас билан айтиладиган гаплар кўп. Биринчидан, сиз айтаётган ўша коллежлардан фарқи йўқ. Ўқув жараёнлари энг замонавий ЭҲМлар, компьютерларга таянган. Иккинчидан, узоқ йиллар давомида илк марта ўрта-махсус касб мутахассислари тайёрлашда бозор талаблари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши заруратларидан келиб чиққан ҳолда таълимга манфаатдорлик билан ёндошилмоқда. Чунки шўролар даврида қурилган касб-ҳунар билим юртлари ўзини оқламай қўйгани, уларни тамомлаб чиққан мутахассисларнинг малакаси бугунги бозор ишбилармонларини қониқтирмагани рост. Демак, ҳамма соҳада бўлгани сингари касб-ҳунар таълими соҳасида ислоҳотлар зарур эди.

Айни шу талаблардан келиб чиққан ҳолда кейинги учтўрт йил мобайнида вилоятнинг шаҳар ва туманларида 25 та коллеж ва 2 та академик лицей қуриб фойдаланишга топширилди. Умуман, жами 79 та ўқув муассасалари таъмирланиб, уларда таълим сифати тубдан яхшиланди.

Бугун замонавий касб-ҳунар таълими даргоҳларида 46 минг талаба таҳсил кўрмоқда. Улар бозор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда энг зарур мутахассисликларни ўрганишмоқда. Қизиғи шундаки, янги тизимда бозор рақобати аллақачон ўз ифодасини топган. Таълимга масъул бўлган раҳбарлар, ўқитувчилар тест синовлари асосида танлаб олинади. Яқиндагина республика тест марказида коллежлар директорлиги учун муқобиллик асосида тест имтиҳонлари бўлиб ўтганлиги фикримизнинг далилидир.

**— Яхши эслатдингиз. Бугун бошқарма тизимидаги таълимнинг жиловбардорлари кимлар? Уларга қандай талаблар қўйилмоқда?**

— Айтиш мумкинки, ислоҳотлар моҳиятини чуқур тушуниб етган, янгиликка ўч, қалби, фикри уйғоқ кишилар. Одатда бундай раҳбарлар таваккал қилишдан, тажриба ўтказишдан ёки ўз обрўларини гаровга қўйишдан чўчишмайди. Натижа учун қаттиқ курашишади. Уларга қўйилаётган талаб ҳам битта — ёш истеъдодларни танлаб, тарбиялаш, уларни мамлакат равнақи учун хизмат қилишга тайёрлаш.

Биласизми, касб-ҳунар таълими соҳасида бугун 19 нафар фан доктори, 200 нафар фан номзоди бевосита раҳбарлик ёки мутахассислик ишларида банд. Ҳолбуки илгари ҳунар таълим соҳасида бирорта фан докторини учратаолмасдингиз. Демак, коллежда ёки лицейда дарс ўтиш фахрли ишга айланган.

**— Муртазо Абдураҳмонович, яна коллежлар масаласига қайтсак. Ўтган вақт мобайнида бу таълим даргоҳларини қанча ёшлар битириб чиқишди?**

— Ўтган йилдаги илк битирувчилар ва бу йилги мутахассисларни қўшиб ҳисобласак бир ярим минг нафар талаба касб дипломини қўлга олишди. Уларнинг аксарияти, банк, ҳисоб-китоб, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, янги технологияларни жорий этиш, тиббиёт соҳаларида билимдон мутахассис сифатида иш юритишмоқда.

**— Демак, коллежлар иқтисодий ривожланишларга туртки бермоқда. Бу ҳамма нарсани таълим ҳал қилади, мамлакатни тараққиёт йўлига олиб чиқади, деган фикрнинг илк амалий ифодаси. Шундай эмасми?**

— Худди шундай. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг хароба ҳолга келган Японияда таълимга ягона нажот йўли деб қаралган. Янги авлод тарбияси, билими учун мамлакат хазинасидаги энг сўнгги маблағларгача сарфлангани сир эмас. Бугун эса Япония дунёдаги энг илғор мамлакат. Сабаби, японияликлар ҳамма нарсани ўзлари яратишга, кашф этишга қодир. Ақлий салоҳиятлари юксак.

Демак, бу тажриба бизни ҳам тўғри йўлга олиб чиқади. Ислоҳотларнинг янги кашфиётларини яратади. Фақат бу интилишларни таълимдан бошлаш керак.

**— Шу ўринда хориж билан ҳамкорлик касб-ҳунар таълими соҳасида қай тариқа намоён бўлаётганлиги хусусида гапирсангиз. Фалон коллежга инвесторлар келибди, деган гаплар ростми?**

— Биласизми, иқтисодиётимизга янги кучларнинг кириб келишидан, янгича ёндошувлардан хориж ҳам манфаатдор. Чунки бу омил ўзаро алоқаларни юритишда муҳимдир. Шундан келиб чиққан ҳолда жаҳондаги бир қатор етакчи банклар ва илмий-техникавий ҳамкорлик жамиятлари бизга ёрдам қўлларини чўзишмоқда. Бугунги кунда Самарқанд шаҳридаги Туризм ва маиший хизмат коллежи, Жомбойдаги маиший хизмат коллежи, Пойариқдаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи «Осиё тараққиёти банки»нинг инвестициялар дастурига киритилган. Вилоятдаги 6 та коллежга Япония ва 15 та коллежга Жанубий Кореядаги банклар ҳомийлик қилишмоқда. Уларнинг кўмагида бу коллежлар замонавий ЭҲМлар, компьютерлар, мультимедиа тармоқлари билан таъминланди.

Германиянинг техникавий ҳамкорлик жамияти Самарқанд енгил саноат коллежига ҳамкорлик асосидаги маблағнинг илк қисми сифатида 10 миллион сўм ажратди.

Ҳамкорлик дастурига мувофиқ вилоят коллежларининг ўқитувчилари чет элларда малака ошириб қайтишмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида 20 дан ортиқ педагог мутахассислар АҚШ, Канада, Дания ва Германияда билим ва тажриба ўрганиб қайтишди. Айни чоғда хорижий мутахассисларнинг ўзлари ҳам турлича йўналишлардаги коллежларимизда шартнома асосида дарс ўтишмоқда. Мақсад таълимни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, бу борада юзага келган тажрибалардан унумли фойдаланишдан иборат.

Бу каби ўзаро ҳамкорликлар натижасида коллеж ва лицейларга кўплаб адабиётлар, ўқув қўлланмалари ва жиҳозлари олиб келинди. Энг асосийси, дарс сифати ва самарадорлиги учун талабчанлик муҳити кучайтирилди. Илғор фикрли, новатор ўқитувчилар сафи кенгайди. Ахир дарслик ва қўлланмаларнинг бир қисмини айни шу ижодкор ўқитувчиларнинг ўзлари яратишган.

Касб-ҳунар таълимини ислоҳ қилиш йўлидаги ҳаракатлар бугун ҳам давом этмоқда. Мақсадимиз лицей ва коллежлар мамлакатнинг баркамол кишиларига айланишни ният қилган ёшларнинг орзуларини рўёбга чиқарсин. Тараққиётни маънавият, таълим етаклашини қалбдан чуқур ҳис этайлик.

t

**Суҳбатдош: Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ, «Адолат»нинг ўз мухбири.**

*Ахборот олиш майдонида...*

## «ИЛТИМОС, МУХБИР АКА, ХОДИМЛАРНИНГ ИСМИНИ ЁЗМАНГ!»

***Қашқадарёда Касби туманининг ўз ўрни бор. У ўзининг қўли гул кулолларию, уста ҳунармандлари, миришкор деҳқонлари билан донг таратган. Бир сўз билан айтганда, касбиликлар қишлоқ хўжалиги соҳасида муҳим ютуқларни қўлга киритиб келмоқдалар. Хўш, етиштирилган хом ашёни қайта ишлаш, яъни, саноат ишлаб чиқаришидаги аҳвол қандай? Биз шу савол билан туман ҳокими Ҳалил Соатовга мурожаат қилдик.***

***— Саноат корхоналаримиз ҳам хом ашё етишмаяпти, деб тўхтаб қолгани йўқ, — дейди Ҳалил ака. — Ҳар ҳолда ҳаракат бор. Пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти ҳам, нон ишлаб чиқариш очиқ ҳиссадорлик жамияти ҳам ўз фаолиятини яхши юритаяпти. Фақат сутни қайта ишлаш заводимизда иш мароми қийинроқ кетаяпти. Аммо фаолиятини тўхтатгани йўқ. Сиз яхшиси, иккала жамиятимизнинг иш фаолиятини ўрганиб, матбуотда ёритганингиз маъқул. Қолаверса, ўзингизга керакли маълумотларни жамиятдаги мутахассислардан бемалол олаверинг.***

Очиғи, туман ҳокимининг матбуотга хайрихоҳлигидан, қолаверса, бизга тўғри йўналиш берганларидан хурсанд бўлдик. У киши билан илиқ хайрлашиб, Касби пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти томон йўл олдик. Ўша куни соат 10.00 лар чамаси эди. Жамият раиси муовини Фахриддин Мўминовга учрашдик.

— Менинг вақтим йўқ. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўлими бошлиғи Азамат Кенжаев сизлар билан шуғулланади, — деди у.

Азамат Кенжаевга учраган ҳам эдик. У ҳам: — Рухсатномангиз борми? — деди.

Биз текширувчи эмаслигимизни, журналист эканлигимизни, қолаверса, жамият ишлаб чиқариши, ижтимоий соҳада қилинадиган ишлар, ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида маълумот олмоқчилигимизни айтдик.

— Барибир, жамият раиси рухсат бермаса бу ерда сизга ҳеч ким маълумот бермайди, — деб қўя қолди у.

Шундан сўнг биз суҳбатдошимизга «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасидаги «Журналист ахборот тўплаш ва текширув ўтказиш ҳуқуқига эга» деган сўзларни эслатдик. Шунда у:

— Ишлаб чиқариш соҳасида бўлса Фахриддин Мўминовнинг ўзи маълумот берсин. Иш ҳақи масаласида бўлса, тўғриси, энди 2001 йилнинг декабрь ойининг маошини аванс тариқасида ишчи-хизматчиларга тарқатаяпмиз. Жамиятимиз раиси жуда қаттиққўл. Яқинда қайсидир газетада заводимизни боплаб танқид қилиб чиқишибди. Шу сабабли сизга ҳеч ким маълумот бера олмайди. Келинг, яхшиси, мен сизни раис муовинига учраштирай, керакли маълумотни ўзи берсин, — деди.

Начора, тағин Фахриддин Мўминовга рўбарў бўлдик.

— Мен сизга ҳеч қандай маълумот бера олмайман, — деди у ҳам биз билан суҳбатлашишдан бош тортиб. — Жамиятимиз раиси Абдуғани Эргашев рухсат берса, кейин сизни саволингизга жавоб беришим мумкин. Акс ҳолда ўзимча сизга маълумот берсам, раис мени ишдан ҳайдаб юборади. Бола-чақамни ким боқади? Яхшиси кутиб туринг, раис Қаршида мажлисда. Келиб қолади.

Шу йўсинда соат бешларгача кутдик. Жамият раиси Абдуғани Эргашевдан дарак бўлмади.

— Сиз яхшиси эртага эрталаб келинг, мен раисга айтиб қўяман. У киши рухсат берсалар маълумот оласиз, — деди Азамат Кенжаев бизга юзланиб. Жамоадаги матбуотга муносабатдан таажжубланиб нон ишлаб чиқариш очиқ ҳиссадорлик жамиятига келдик. Бу ерда ҳам жамоа раҳбари Қаршига мажлисга кетган экан. Цехлардаги иш жараёнлари билан танишмоқчи эдик, рухсат беришмади.

— Раисимиз Абдураҳмон Очилов мени уришади, — деди бош ҳисобчи Баҳром Мирзаев. — У киши мени ҳақорат қилишини истамайман. Қолаверса, текшириш учун рухсатномангиз ҳам йўқ экан. Раисдан рухсат олиб иш жараёнларини кўраверинг. Нонларимизнинг ҳар буханкаси 600 граммдан. Ҳа, айтмоқчи раис рухсатисиз мен сизга ҳеч қандай маълумот беролмайман.

Нима ҳам дердик. Баҳром Мирзаевга ҳам текширувчи эмаслигимизни, журналист эканлигимизни, корхона фаолиятини ўрганмоқчи эканлигимизни тушунтирмоқчи эдик, фойдаси бўлмади.

— Эртага келинг, мен бугун ёки эрталаб раисни ҳар қандай шароитда ҳам кўриб, айтиб қўяман. Кейин текшираверасиз, — деди у.

Начора иккала ҳиссадорлик жамиятида ҳам муовин ва бош мутахассисларнинг етарли ҳуқуқий билим ва савияга эга эмаслигини сезгач, матбуот учун барча идораларнинг эшиги очиқ бўлиши лозимлиги, демократик жамиятнинг асосий шартларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтирмадик ва улар билан хайрлашдик.

Йўл-йўлакай Шарифбой Абдуллаев мудирлик қилаётган савдо дўконида бўлдик. Ҳаммаёқ тоза, озода. Маҳсулотлар тартиб билан териб қўйилган. Саломаликдан сўнг мудирга савол билан юзланамиз.

— Нон сифати қандай! Қолаверса, пештахтада харидоргир маҳсулот туриб қолмаяптими?

— Ноннинг сифати баъзида яхши, баъзида... Сифатли пиширилган вақтда сотувда яхши кетаяпти, — деди у.

— Пештахталарга териб қўйилган нонларни катталиги нега ҳар хил, — деган саволимизга Шарифбой Абдуллаев лом-мим деёлмади. Шундан сўнг туман ҳокимлиги вакили Шуҳратжон Зиёдов ҳамкорлигида 2 буханка нонни дўкон тарозисида тортиб кўрдик. Бири 475 грамм, иккинчи буханка нон эса 550 грамм тош босди.

— Нонни қаердан оласизлар? — дедик сотувчига. У «катта нон комбинатидан оламиз» деб жавоб қилди.

— Демак, Абдураҳмон Очилов раҳбарлик қилаётган жамиятдан олишар экан, — қўшиб қўйди менга ҳамроҳлик қилаётган ҳокимият вакили.

Эртаси куни эрталаб Касби пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси муовини Фахриддин Мўминовга яна учрашдик. У бўлса бизни масхара қилгандек кулимсираб:

**(Давоми 2-бетда).**

